

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/29.02.2024.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ  
ИНСТИТУТИ**

**ХАИТОВА ДИЛДОРА ШАРИПБОВНА**

**ПОСТНАТАЛ ОНТОГЕНЕЗДА ЭШИТИШ ҚОБИЛИЯТИ БЎЛМАГАН  
БОЛАЛАРДА КРАНИОФАЦИАЛ СОҲАНИНГ МОРФОМЕТРИК  
КЎРСАТКИЧЛАРИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**14.00.02 – Морфология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**БУХОРО – 2024**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Хаитова Дилдора Шарипбоевна**

Постнатал онтогенезда эшитиш қобилияти бўлмаган болаларда  
краниофациал соҳанинг морфометрик кўрсаткичларининг хусусиятлари .....3

**Хаитова Дилдора Шарипбоевна**

Характеристика морфометрических показателей краниофациальной области  
у детей с тугоухостью в постнатальном онтогенезе. ....21

**Khaitova Dildora Sharipboevna**

Characteristics of the morphometric indicators of the craniofacial region in children  
with deafness in postnatal ontogenesis. ....39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works .....44

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/29.02.2024.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ  
ИНСТИТУТИ**

**ХАИТОВА ДИЛДОРА ШАРИПБОВНА**

**ПОСТНАТАЛ ОНТОГЕНЕЗДА ЭШИТИШ ҚОБИЛИЯТИ БЎЛМАГАН  
БОЛАЛАРДА КРАНИОФАЦИАЛ СОҲАНИНГ МОРФОМЕТРИК  
КЎРСАТКИЧЛАРИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**14.00.02 – Морфология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**БУХОРО – 2024**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.3.PhD/Tib2642 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар**

**Ҳасанова Дилноза Ахроровна**  
тиббиёт фанлари доктори

**Расмий оппонентлар**

**Рахматова Муқаддас Холтаевна**  
тиббиёт фанлари доктори

**Ирина Анатольевна Баландина**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот**

**Абуали ибни Сино номидаги Тожикистон давлат тиббиёт университети (Тожикистон)**

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/29.02.2024.Tib.93.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Ғиждувон кўчаси, 23-уй. Веб-сайт: [www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz); e-mail: [info@bsmi.uz](mailto:info@bsmi.uz))

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Ғиждувон кўчаси, e-mail: [info@bsmi.uz](mailto:info@bsmi.uz))

Диссертация автореферати 2024 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2024 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Ш.Ж. Тешаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Н.Қ. Дўстова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори (DSc)

**А.Р. Облоқулов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, эшитиш қобилиятининг пасайиши инсоннинг турмуш тарзини бузиши мумкин бўлган асосий омиллардан биридир. Дунё аҳолисининг 7,8% эшитиш қобилиятидан азият чекади. Ҳар 1000 та янги туғилган чақалоқдан 1,5% ҳолларда III-IV даражали сенсорли эшитиш нуқсони бўлган болалар дунёга келади. Соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотларига кўра, Ўзбекистонда 2014 йилда эшитиш қобилияти оғир ва карлиги бўлган болалар сони 520 нафарни ташкил этган бўлса, замонавий диагностика усули – аудиоскрининг жорий этилгани туфайли бу кўрсаткич 2000 нафарни ташкил этди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг статистик маълумотларига кўра, дунё аҳолисининг 5% дан ортиғи ёки 430 миллион киши эшитиш қобилиятини йўқотиш билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш учун реабилитацияга мухтож (432 миллион катталар ва 34 миллион болалар). 2050-йилга келиб 700 миллиондан ортиқ одам ёки ҳар ўнинчи киши эшитиш қобилиятини йўқотиши башорат қилинмоқда. «...эшитиш қобилияти заиф болаларни ўқитиш нафақат педагогика, балки тиббиётнинг отоларингология, сурдология ва реабилитология бўлимлари учун ҳам долзарб муаммодир...»<sup>1</sup>.

Дунёда кар одамлар кўп ҳолларда эшитишнинг чуқур йўқолишидан азият чекишади, бу уларнинг ёмон эшитиши ёки умуман эшитмаслигини англатади. Бундай одамлар кўпинча мулоқот қилиш учун имо-ишора тилидан фойдаланадилар. Яхши эшитадиган кулоқда эшитиш қобилиятининг йўқолиши 35 децибелдан (дБ) ошади. Бундай одамларнинг деярли 80 % паст ва ўрта даромадли мамлакатларда яшайди. Эшита олмайдиган одам ҳам, нормал эшитиш қобилиятига эга бўлган одам - иккала кулоғида эшитиш чегараси 20 дБ ёки ундан паст - эшитиш қобилиятини йўқотишдан азият чекади.

Мамлакатимизда аҳолига ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатиш, эшитиш қобилияти заиф болаларни аниқлаш, эшитишнинг заифлиги натижасида патологик ҳолатлар юзага чиқмаслиги бўйича тиббий хавфсизликни таъминлаш бўйича улкан ишлар қилинмоқда. Бу бўйича мамлакатимизни 2022-2026 йиллар давомида ривожлантириш стратегиясида баён этилган 7 та устувор йўналишнинг 4-қисм 56-мақсадида «... аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббиёт ходимлари потенциалини ошириш ва соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришнинг 2022-2023 йилларга мўлжалланган дастурини амалга оширишга йўналтирилган комплекс чоратadbирларни амалга ошириш...»<sup>2</sup> вазифалари белгиланган. Шунга асосан эшитиш қобилияти бузилган болаларда краниофациал антропометрик кўрсаткичларнинг қиёсий тавсифи бўйича янгича ёндашувлар ишлаб чиқиш долзарбдир.

---

<sup>1</sup> Бобошко М.Ю., Красильникова О. А., Пинка Е. А., Мотовилова Ю. В. Школьное образование детей с нарушениями слуха // Российская оториноларингология - 2022;21;5 (120) – С. 127-136

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида» ги Фармони

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ва 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида» ги Фармонлари, 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ-4887-сон «Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида» ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилган.

**Тадқиқотнинг республика фан ва техника ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

#### **Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.**

Илмий манбалардан олинган маълумотларга асосан 80% дан ортиқ ҳолларда карлик ёки эшитиш қобилияти бўлмаган болаларда касаллик биринчи марта бир ёшга тўлмасдан ташхис қилинади. Уларнинг ярмида касаллик туғма ёки ирсий хусусиятга эга, яъни ҳомиладорлик, туғиш патологияси натижасида пайдо бўлади ёки генетик йўл билан ўтади (Бобошко М.Ю. ва ҳаммуал., 2022). Эшитиш қобилиятининг йўқолиши кекса одамлар орасида кенг тарқалган бўлиб, 60 ёшдан ошган одамларнинг 25% дан ортиғи бу муаммодан азият чекмоқда (Yaiza Taboada - Iglesias et al., 2017).

«Эшитиш қобилиятини йўқотиш» атамаси енгилдан оғир даражагача бўлган эшитиш қобилиятини йўқотган одамларга нисбатан қўлланилади. Одатда, эшитиш қобилияти заиф одамлар оғзаки нутқдан фойдаланган ҳолда мулоқот қилишади ва эшитиш қобилиятини яхшилаш учун эшитиш аппаратлари, кохлеар имплантлар ва бошқа ёрдамчи қурилмалар, шунингдек субтитрлардан фойдаланишлари мумкин (Кирилова И. А., 2017).

Болаларда эшитиш қобилиятини йўқотишнинг бир неча турлари мавжуд: кар-соқов бола; эшитиш қобилияти заиф бола; орттирилган карлик (Барияк В.В. ва ҳаммуал., 2015). Кар-соқов болада доимий, икки томонлама эшитишнинг бузилиши нутқ шаклланишидан олдин пайдо бўлган бўлади. У оғзаки нутқни тушунмайди ва юз ифодалари, имо-ишоралар ва объектларни манипуляция қилиш орқали мулоқот қилишга мойил бўлади (Владимирова О.Н. ва ҳаммуал., 2017).

Ҳаёти давомида орттирилган карлик мавжуд болалар баъзи касалликлардан ёки ототоксик дориларни қабул қилгандан кейин эшитиш қобилиятини йўқотадилар. Эшитиш қобилиятини йўқотиш нутқ шакллангандан кейин содир бўлса ҳам, мактабгача ёшдаги реабилитация чораларининг қўлланилмаслиги интеллектуал нутқ пасайишига олиб келади.

Вақт ўтиши билан бундай болаларнинг сўз бойлиги камайиб боради ва уларнинг талаффузи нотўғри бўлади. Катта ёшда эшитиш қобилиятининг пасайиши ёки йўқолишида прогноз яхшироқ бўлади, аммо талаффуз у ёки бу даражада зарар кўради: артикуляция ва интонация (талаффуз) бузилади, талаффузда хатолар юзага келади ва нутқ заифлашади (Дерябина Г.И. ва ҳаммуал., 2019).

Эшитиш қобилияти бузилган болаларда кўпинча бурун суяклари ривожланмаган, бу эса кичик бурун, ингичка бурун тешиги ва текис бурун кўприги билан текисланган ўрта юз пайдо бўлишига олиб келади. Бундай касалликка чалинган одамларда одатда кенг ораликли кўзлар (кўз гипертелоризми), торайган кўз косалари (сиқилган кўз ёриқлари), кичик юқори жағ (юқори жағ гипоплазияси) ва лаблари қисилган кичик оғиз мавжуд (Islamoglu Y., at all 2020).

Шундай қилиб, чақалокликдан 12 ёшгача бўлган эшитиш қобилияти бўлмаган болаларда бош ҳамда юз -жағ соҳасининг антропометрик кўрсаткичларини ўрганиш ва шу ёшдаги соғлом болаларнинг антропометрик кўрсаткичлари билан солиштирма таҳлилини ўтказиш талаб этилади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ (05.2024.PhD.192) «COVID-19 инфекциясидан кейин Бухоро минтақаси аҳолиси соғлиғига таъсир қилувчи организмнинг патологик ҳолатини эрта аниқлаш, даволаш ва олдини олишга янги ёндашувларни ишлаб чиқиш (2022-2026 йй.)» мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқот мақсади** эшитиш қобилияти бўлмаган болаларнинг боши ва юз-жағ соҳасининг антропометрик параметрларини ўрганиш ҳамда олинган маълумотларни ушбу ёшдаги соғлом болалар маълумотлари билан солиштиришдан иборат бўлган.

**Тадқиқот вазифалари:**

чақалокликдан 12 ёшгача бўлган соғлом болаларда краниофациал соҳа антропометрик кўрсаткичларининг гендер хусусиятларини ўрганиш;

чақалокликдан 12 ёшгача бўлган эшитиш қобилиятини йўқотган болаларда краниофациал соҳа антропометрик кўрсаткичларининг жинсий тафовутларини таққослаш;

соғлом ва эшитиш қобилиятини йўқотган болаларда краниофациал соҳа антропометрик кўрсаткичларининг болаликнинг ёш даврлари бўйича солиштирма таҳлилини баҳолаш;

соғлом ва эшитиш қобилиятини йўқотган болалар суяк ёшининг қиёсий тавсифини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 839 нафар бола текширилди, улардан 366 нафари эшитиш қобилияти бўлмаган болалар ва 473 нафар шу ёшдаги соғлом болалар.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида эшитиш қобилияти бўлмаган ва соғлом болаларда краниофациал соҳанинг антропометрик кўрсаткичларини ўрганиш ва солиштирма таҳлил натижалари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Ушбу тадқиқотни бажаришда антропометрик, клиник ва статистик усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор 3 ёшдан 12 ёшгача эшитиш қобилияти бўлмаган ва соғлом болалар краниофациал соҳа антропометрик кўрсаткичларидан олинган натижалари асосида морфометрик параметрлар бўйича ёш даврларига хос ўсиш кўрсаткичлари мавжудлиги аниқланган;

3 ёшдан 12 ёшгача эшитиш қобилияти бўлмаган ва соғлом болаларда ёш ҳамда жинс тақсимотини ҳисобга олинган ҳолда бош соҳасининг антропометрик кўрсаткичлари болаликнинг ёш даврларига кўра такомиллаштирилган ва нисбатан фарқлари исботланган;

биринчи марта болаликнинг I ва II даврларида эшитиш қобилияти бўлмаган болаларда юз – жағ соҳасининг морфометрик кўрсаткичлари гендер хусусиятларини инобатга олган ҳолда соғлом болаларнинг морфометрик кўрсаткичлари билан солиштирма таҳлили аниқланган;

эрта постнатал онтогенезда болаликнинг I ва II даврларидаги эшитиш қобилияти бўлмаган ҳамда соғлом болалар суяк ёши кўрсаткичлари паспорт ёши билан солиштирма таҳлили олиб борилган ва эшитиш қобилияти бўлмаган болаларнинг суяк ёши кўрсаткичлари паспорт ёшидан ортда қолиши исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

эшитиш қобилияти бўлмаган ва соғлом болаларнинг морфометрик кўрсаткичлари ишлаб чиқилган меъёрий стандартлардан минтақадаги болаларнинг ўсиши ва ривожланишини қиёсий баҳолашда қўллаш учун тавсия этилган;

тадқиқот натижалари оториноларинголог, педиатр, ўсмир шифокори ишида, шунингдек, болалар оториноларингологияси, бўлимида, турли болалар тиббиёт муассасаларида тиббий кўрикдан ўтишда, шунингдек, мактабларда тиббий кўрикдан ўтишда фойдаланиш мумкин. Натижалар «Эшитиш ва мувозанат органлари» бўлимида одам анатомияси фанидан, «Эшитиш ва нутқ патологиялари» бўлимида педиатриядан маърузаларда фойдаланиш учун тавсия этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** илмий-тадқиқот ишида фойдаланилган замонавий, бир бирини тўлдирувчи тажрибавий, антропометрик, статистик усуллар қўлланилганлиги, етарли миқдордаги эшитиш қобилияти бўлмаган ҳамда шу ёшдаги соғлом болаларда, олинган натижаларнинг назарий ҳамда амалий жиҳатдан тасдиқланганлиги, уларнинг хорижий ва маҳаллий тадқиқотчи олимлар томонидан олинган маълумотлар бўйича таққослаганда ишончлилиги, келтирилган хулосалар асосланганлиги, шунингдек ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти эшитиш қобилияти бўлмаган ва соғлом болаларда краниофациал соҳанинг антропометрик ўлчамлари меъёрий чегаралари ишлаб чиқилган бўлиб, улар ёш ва жинсга оид хусусиятларини

аниқлашга ёрдам берган. Чақалоқликдан 12 ёшгача бўлган эшитиш қобилиятини йўқотган болалар бош ва юз-жағ соҳасининг антропометрик кўрсаткичлари шу ёшдаги соғлом болалар кўрсаткичларидан сезиларли даражада орқада қолгани исботланганлиги, антропометрик кўрсаткичларининг нисбатлари ёшга қараб ўзгариши аниқланганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган антропометрик маълумотлар Бухоро вилоятида яшовчи ҳар икки жинсдаги эшитиш қобилияти бўлмаган ва соғлом болаларни вояга етганлигининг бошланғич даври ҳақидаги мавжуд билимларни сезиларли даражада кенгайтирган. Бош ва юз-жағ соҳаси морфометрик кўрсаткичларининг тавсия этилган меъёрий миллий стандартлари болалар жисмоний ривожланишини асосий кўрсаткичлари билан боғлиқлиги мактабгача ва умумий ўрта таълим муассасаларининг профилактик тиббий кўриклари пайтида антропометрик кўрсаткичларни баҳолашни яхшилаш имкони яратилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Постнатал онтогенезда эшитиш қобилияти бўлмаган болаларда краниофациал соҳанинг морфометрик кўрсаткичларининг хусусиятлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

*биринчи илмий янгилик:* илк бор 3 ёшдан 12 ёшгача эшитиш қобилияти бўлмаган ва соғлом болалар краниофациал соҳа антропометрик кўрсаткичларидан олинган натижалари асосида морфометрик параметрлар бўйича ёш даврларига хос ўсиш кўрсаткичлари мавжудлиги аниқланганлиги бўйича таклифлар Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти Эксперт кенгаши томонидан 2023 йил 15 июндаги 23-м/053-сон билан тасдиқланган «Эшитиш қобилияти бўлмаган болаларда краниал соҳанинг морфологик кўрсаткичларининг аниқлаш усуллари» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Бухоро вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 27.06.2024 йилдаги 60-сон ҳамда Бухоро шаҳар тиббиёт бирлашмасининг 28.06.2024 йилдаги 1088-2-42-ТВ/2024-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2023 йил 1 июндаги 01/04/2997-сон хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: тадқиқот натижалари эшитиш қобилияти бўлмаган болаларда краниофациал соҳанинг антропометрик кўрсаткичларнинг қиёсий тавсифи бўйича самарали усуллари ишлаб чиқиш имконини берган. Иқтисодий самарадорлиги: эшитиш қобилияти бўлмаган болалар туғилиш даражаси, уларнинг ўзига хос клиникаси ҳамда янги замонавий антропометрик текширувларнинг ишлаб чиқилганлиги визуал текшириш ўтказиш жараёни самарадорлигини ошириш орқали иқтисодий самарадорликка эришилган бўлиб 1 нафар бемор учун умумий антропометрия нархи бюджет маблағларидан 30000 сўмга иқтисод қилинади.

*иккинчи илмий янгилик:* 3 ёшдан 12 ёшгача эшитиш қобилияти бўлмаган ва соғлом болаларда ёш ҳамда жинс тақсимотини ҳисобга олинган ҳолда бош соҳасининг антропометрик кўрсаткичлари болаликнинг ёш даврларига кўра такомиллаштирилган ва нисбатан фарқлари исботланганлиги бўйича олинган таклифлар Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти

Эксперт кенгаши томонидан 2023 йил 15 июндаги 23-м/053-сон билан тасдиқланган «Эшитиш қобилияти бўлмаган болаларда краниал соҳанинг морфологик кўрсаткичларининг аниқлаш усуллари» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Бухоро вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 27.06.2024 йилдаги 60-сон ҳамда Бухоро шаҳар тиббиёт бирлашмасининг 28.06.2024 йилдаги 1088-2-42-ТВ/2024-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2023 йил 1 июндаги 01/04/2997-сон хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: тадқиқот натижалари эшитиш қобилияти бўлмаган болаларда бош ва юз жағ соҳасининг антропометрик даражаларини ўрганиш имконини берган. Иқтисодий самарадорлиги: эшитиш қобилияти бўлмаган болаларни, янги замонавий антропометрик кўрсаткичларини ишлаб чиқилганлиги визуал текшириш ўтказиш жараён самарадорлигини ошириш орқали иқтисодий самарадорликка эришилган бўлиб 1 нафар бемор учун умумий антропометрик текширув нархи 30000 сўм бюджет маблағларидан иқтисод қилинади.

*учинчи илмий янгилик:* биринчи марта болаликнинг I ва II даврларида эшитиш қобилияти бўлмаган болаларда юз – жағ соҳасининг морфометрик кўрсаткичлари гендер хусусиятларини инобатга олган ҳолда соғлом болаларнинг морфометрик кўрсаткичлари билан солиштирма таҳлили аниқланганлиги тўғрисидаги таклифлар Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти Эксперт кенгашининг 2023 йил 15 июндаги 23-м/053 сон хулосаси билан тасдиқланган «Эшитиш қобилияти бўлмаган болаларда краниал соҳанинг морфологик кўрсаткичларининг аниқлаш усуллари» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Бухоро вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 27.06.2024 йилдаги 60-сон ҳамда Бухоро шаҳар тиббиёт бирлашмасининг 28.06.2024 йилдаги 1088-2-42-ТВ/2024-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2023 йил 1 июндаги 01/04/2997-сон хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: Ўтказилган тадқиқотлар асосида эшитиш қобилияти бўлмаган ўғил ва қиз болаларнинг тана турли қисмларини антропометрик кўрсаткичлари ҳамда соғлом болалар антропометрик кўрсаткичлари ўрганилди ва баҳоланди. Бу кўрсаткичлар эшитиш қобилияти бўлмаган болаларнинг ёшига кўра меъёрий ўзгариш чегаралари асослаб берилган. Иқтисодий самарадорлиги: эшитиш қобилияти бўлмаган болаларнинг энг мақбул антропометрик кўрсаткичларининг ишлаб чиқилганлиги текшириш ўтказиш жараёни самарадорлигини ошириш орқали иқтисодий самарадорликка эришилган бўлиб 1 нафар бемор учун умумий антропометрия нархи 30000 сўм бюджет маблағларидан иқтисод қилинади.

*тўртинчи илмий янгилик:* эрта постнатал онтогенезда болаликнинг I ва II даврларидаги эшитиш қобилияти бўлмаган ҳамда соғлом болалар суяк ёши кўрсаткичлари паспорт ёши билан солиштирма таҳлили олиб борилган ва эшитиш қобилияти бўлмаган болаларнинг суяк ёши кўрсаткичлари паспорт ёшидан ортда қолиши исботланганлиги тўғрисидаги таклифлар Бухоро давлат тиббиёт институти Эксперт кенгашининг 2023 йил 15 июндаги 23-м/053 сон хулосаси билан тасдиқланган «Эшитиш қобилияти бўлмаган болаларда краниал

соҳанинг морфологик кўрсаткичларининг аниқлаш усуллари» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Бухоро вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 27.06.2024 йилдаги 60-сон ҳамда Бухоро шаҳар тиббиёт бирлашмасининг 28.06.2024 йилдаги 1088-2-42-ТВ/2024-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2023 йил 1 июндаги 01/04/2997-сон хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: Ўтказилган тадқиқотлар асосида эшитиш қобилияти бўлмаган ўғил ва қиз болаларнинг суяк ёши натижалари ўрганилди ва баҳоланди. Улар минтақамиз болалари учун миллий стандарт сифатида тавсия этилади. Олинган маълумотлар болалар орасида учрайдиган эшитиш қобилияти паст бўлган болаларни ўз вақтида аниқлаш, антропометрик кўрсаткичларни соғлом ва эшитиш қобилияти бўлмаган болалар орасидаги фарқ нисбатларини аниқлашга имкон берган. Иқтисодий самарадорлиги: Эшитиш қобилияти бўлмаган болаларнинг энг мақбул антропометрик кўрсаткичларнинг ишлаб чиқилганлиги текшириш ўтказиш жараёни самарадорлигини ошириш орқали иқтисодий самарадорликка эришилган бўлиб, 1 нафар бемор учун умумий антропометрик тадқиқот усулини қўллаш бюджет моблағларини 30000 сўм иқтисод қилиш имконини берган ва иқтисодий самарадорликка эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 3 та илмий анжуманларда, жумладан 1 та халқаро ва 2 та маҳаллий илмий-амалий анжуманларда маъруза қилинган ҳамда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан 3 таси республика ва 5 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида бажарилган тадқиқотлар долзарблиги ва зарурати, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари устувор йўналишларига мослиги, илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти кўрсатилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган илмий ишлар ва диссертация таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи «**Болаларнинг жисмоний ривожланиш кўрсаткичларини стандартлаштириш асослари**» деб номланган бобида болаларнинг жисмоний ривожланиш кўрсаткичларини стандартлаштириш асослари, болаларнинг жисмоний тарбия меъёрларини шакллантириш, эшитиш қобилияти бўлмаган болаларнинг жисмоний ривожланишини баҳолаш, эшитиш қобилиятини йўқотишнинг шакллари ва сабаблари,

карликнинг болаларнинг жисмоний ривожланишига ва уларнинг соғлиғига таъсири, эшитиш қобилияти йўқолган болаларнинг жисмоний ривожланишининг антропометрик кўрсаткичларига бағишланган хорижий ва маҳаллий тадқиқотчилар илмий манбалари ўрганилган ва шарҳланган.

Диссертациянинг иккинчи «Тадқиқотнинг дизайни ва ҳажми, материали ва усуллари» деб номланган бобида тадқиқотлар олиб бориш учун Бухоро шаҳридаги Перинатал туғруқ комплексидаги чақалоқлар ва №8 – сон оилавий поликлиника назоратидаги 3 ёшгача болалар, 3 ёшдан 6 ёшгача бўлган Бухоро шаҳридаги «Юлдузча» номли мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчилари, 7 ёшдан 12 ёшгача бўлган Бухоро шаҳридаги №39-сон ихтисослаштирилган умумтаълим мактаби ўқувчилари, 123-сонли мактаб-интернатида «Карлик ва эшитиш қобилиятини йўқотиш» ташхиси билан рўйхатдан ўтган болалар ва Бухоро вилоят кўп тармоқли касалхонаси Оториноларингология бўлимига даволаниш учун мурожаат қилган бемор болалар жалб қилинганлиги ҳақида маълумотлар берилган. Жами 839 та болаларда, шу жумладан 473 та соғлом болалар ва 366 та эшитиш қобилиятини йўқотган болаларда антропометрик текширувлар олиб борилган.

Чақалоқликдан 12 ёшгача бўлган болаларнинг юз ва бош соҳалари антропометрик текширувларидан олинган натижаларни ёш ва жинсга оид таққослаш ҳамда баҳолаш учун иккала жинсдаги болалар танлаб олиниб, 2 гуруҳга бўлинган: 1-назорат гуруҳи амалда соғлом ва эшитиш қобилиятини йўқотган ўғил болалар (1-жадвал), 2-назорат гуруҳи амалда соғлом ва эшитиш қобилиятини йўқотган қиз болалар (2-жадвал).

#### 1- жадвал

#### Умумий текширилган болалар миқдоридан ўғил болалар сони, n=425 %. abs

ёш	ўғил болалар				Жами	
	соғлом		эшитиш қобилияти бўлмаган			
	Abs	%	Abs	%	abs	%
чақалоқ	14	7,04	10	5,34	24	5,64
1	10	1,2	10	5,34	20	4,67
2	15	6,3	10	5,34	25	5,84
3	11	26,83	12	7,64	23	34,47
4	12	6,03	11	7,01	23	13,04
5	14	7,04	9	5,73	23	12,77
6	16	8,04	14	8,92	30	16,96
7	20	10,05	16	10,19	36	20,24
8	23	11,56	15	9,55	38	21,11
9	20	10,05	18	11,46	38	21,51
10	25	12,56	18	11,46	43	24,02
11	28	14,07	22	14,01	50	28,08
12	30	15,08	22	14,01	52	29,09
<b>Жами</b>	<b>238</b>	<b>100,00</b>	<b>187</b>	<b>100,00</b>	<b>425</b>	<b>221,29</b>

1-жадвалдан кўриниб турибдики, биз текширган эшитиш қобилиятини йўқотган ва соғлом ўғил болаларнинг ёш таркиби текширилган болаларнинг умумий сонига тўғри келади ва ўтказилган тадқиқотлар ҳажми ишончли натижалар ва хулосалар олишимизга имкон берган.

Бундан ташқари, текширилган эшитиш қобилиятини йўқотган болаларнинг жинси ва ёш таркиби сурдологик диагностика тадқиқотлари ва карлик даражасига қараб тақсимланган. Барча текширилган болаларнинг жисмоний ривожланишининг антропометрик маълумотларини ўрганиш ушбу муассасаларнинг тиббиёт марказларида амалга оширилган.

## 2- жадвал

### Текширилган болаларнинг умумий миқдоридан қизлар сони, n=414

ёш	қизлар				Жами	
	соғлом		эшитиш қобилиятини йўқотган			
	Abs	%	Abs	%	Abs	%
чақалоқ	12	5,10	9	5,02	21	5,07
1	16	6,80	9	5,02	25	6,03
2	14	5,96	12	6,70	26	6,28
3	12	5,24	8	5,48	20	10,72
4	12	6,28	13	6,85	25	13,13
5	11	5,76	13	8,90	24	14,66
6	16	8,38	13	8,90	29	17,28
7	20	10,47	15	10,27	35	20,74
8	23	12,04	18	12,33	41	24,37
9	20	10,47	17	11,64	37	22,11
10	21	10,99	16	10,96	37	21,95
11	32	16,75	19	13,01	51	29,76
12	26	13,61	17	11,64	43	25,25
<b>Жами</b>	<b>235</b>	<b>100,00</b>	<b>179</b>	<b>100,00</b>	<b>414</b>	<b>199,97</b>

Диссертациянинг учинчи «Соғлом ҳамда эшитиш қобилияти бўлмаган болалар бош ўлчамлари антропометрик кўрсаткичларининг солиштирма таҳлили» номли бобда чақалоқликдан 12 ёшгача бўлган соғлом ҳамда эшитиш қобилияти бўлмаган ўғил ва қиз болалар бош ўлчамлари морфометрик кўрсаткичларининг натижалари келтирилган. 3-жадвалда соғлом ўғил болаларда болалик даврлари бўйича бош соҳасининг морфометрик кўрсаткичлари келтирилган.

## 3-жадвал


Соғлом ўғил болаларда болалик даврлари бўйича бош соҳасининг морфометрик кўрсаткичлари  $M \pm m$ 

болалик даврлари / кўрсаткичлар (см)	чақалоқлик даври	эмизикли давр	эрта болалик даври	болаликнинг I- даври	болаликнинг II- даври
бошнинг айланма ўлчам	31,80-40,34 36,79±0,62	43,10-47,81 46,10±0,16 *	46,32-50,31 48,22±0,15*	46,31-53,80 49,83±0,18 *	50,22-58,54 54,72±0,14 *
бошнинг бўйлама ўлчами	9,62-12,80 10,21±0,23	10,42-13,64 11,63±0,20	11,03-15,12 13,14±0,27*	12,60-17,34 15,12±0,10 *	14,04-20,12 17,10±0,10 *
бошнинг кўндаланг ўлчами	7,63-9,90 8,62±0,17	8,04-10,41 9,24±0,15*	9,11-11,73 10,42±0,17*	10,12-13,71 12,03±0,08 *	12,32-16,64 14,54±0,07 *
пешонанинг кўндаланг ўлчами	4,72-9,13 7,41±0,32	5,40-10,02 8,63±0,29	7,62-10,84 9,80±0,21*	8,84-12,70 11,03±0,08 *	10,03-13,82 12,01±0,13 *
бошнинг вертикал диаметри	4,20-9,13 6,88±0,36	6,71-10,32 8,24±0,22*	8,03-11,92 9,94±0,26	9,72-13,40 11,82±0,07 *	11,83-15,89 13,64±0,06 *
калла асосининг кенглиги	5,12-9,04 7,54±0,28	6,90-10,13 8,14±0,20	9,24-12,23 10,88±0,20*	10,54-15,88 13,28±0,11 *	11,20-18,69 14,60±0,12 *
калла асосининг бўйлама ўлчами	6,43-11,44 9,33±0,37	7,80-12,14 9,86±0,27	9,91-13,74 11,39±0,25*	12,04-15,12 13,72±0,06 *	13,34-17,20 15,12±0,06 *

Изоҳ: \*- болаликнинг олдинги даври нисбати бўйича ишончли маълумотлар кўрсатилган ( $P \leq 0,05$ ).


Шундай қилиб, янги туғилган чақалоқдан 12 ёшгача бўлган соғлом ўғил болаларда бошнинг морфометрик кўрсаткичлари болаликнинг иккинчи даврида чақалоқлик даврига нисбатан кўйидагича ўсиш суръатини намоён этган: бош айланаси 1,5 марта (25,3%), калла асосининг бўйлама ўлчами 1,7 марта (15,3%), бошнинг кўндаланг ўлчами 1,7 марта (20,8%), пешонанинг кўндаланг ўлчами 1,6 марта (16,2%), бошнинг вертикал диаметри 2,0 марта

(20,7%), калла асосининг бўйлама ўлчами 1,6 марта (20,2%) ва бошнинг кўндаланг ўлчами 1,9 мартага (34,6%) ўсганлиги аниқланган (1- расм).



**1 –расм. Соғлом ўғил болаларда болаликнинг ёш даврларига кўра бош ўлчамлари морфометрик кўрсаткичларининг ўсиш суръати** (БА- бош айланаси, ББЎ-бошнинг бўйлама ўлчами, БКЎ- бошнинг кўндаланг ўлчами, , ПКЎ – пешонанинг кўндаланг ўлчами, БВД- бошнинг вертикал диаметри, КАБЎ – калла асосининг бўйлама ўлчами, КАКЎ – калла асосининг кўндаланг ўлчами).

2-расмда болаликнинг ёш даврларига кўра соғлом қиз болаларда бошнинг морфометрик кўрсаткичлари ўсиш суръати кўрсатилган.



**2 –расм. Соғлом қиз болаларда болаликнинг ёш даврларига кўра бош ўлчамлари морфометрик кўрсаткичларининг ўсиш суръати** (БА- бош айланаси, ББЎ-бошнинг бўйлама ўлчами, БКЎ- бошнинг кўндаланг ўлчами, , ПКЎ – пешонанинг кўндаланг ўлчами, БВД- бошнинг вертикал диаметри, КАБЎ – калла асосининг бўйлама ўлчами, КАКЎ – калла асосининг кўндаланг ўлчами).

4- жадвалда соғлом қиз болалар бош ўлчамларининг болалик даврлари бўйича морфометрик кўрсаткичлари келтирилган.

**4 -жадвал**


**Соғлом қиз болалар бош ўлчамларининг болалик даврлари бўйича морфометрик кўрсаткичлари  $M \pm m$**

болалик даврлари / кўрсаткичлар(см)	чақалоқлик даври	эмизикли давр	эрта болалик даври	болаликнинг I- даври	болаликнинг II- даври
бошнинг айланма ўлчами	35,7-43,5 38,9±0,24	45,4-49,7 47,4±0,16*	46,7 - 50,2 48,2±0,13*	47,5-53,3 50,1±0,14*	49,9-58,9 54,7±0,1*
бошнинг бўйлама ўлчами	9,4-12,9 11,4±0,23	9,8 – 14,7 11,9 ± 0,38	11,4-15,9 13,2-0,28*	12,7-17,3 15,1±0,10*	14,3-19,6 17,1±0,0*
бошнинг кўндаланг ўлчами	6,5-10,6 8,6±0,38	6,9-11,1 9,1±0,32	8,5-12,0 10,4±0,22*	9,9- 13,6 11,9±0,08*	12,0-16,9 14,3±0,07
пешонанинг кўндаланг ўлчами	4,7-9,3 6,8±0,42	5,1-10,2 7,3±0,39*	7,4-11,5 9,8±0,25*	8,4-12,6 11,1±0,09*	9,6-14,1 11,9±0,07
бошнинг вертикал диаметри	7,5-12,4 6,9±0,45	8,0-12,7 10,1±0,36*	9,4-13,4 11,4±0,25*	11,0-14,5 12,7±0,07*	12,5-17,0 14,8±0,06
калла асосининг кенглиги	5,1-9,0 7,5±0,24	6,8-10,1 8,4±0,32*	8,6-12,9 10,7±0,22*	10,2-15,5 13,1±0,11*	11,3-18,5 14,7±0,10
калла асосининг бўйлама ўлчами	6,4-11,0 9,3±0,42	8,1-12,3 10,0±0,32*	9,7-13,1 11,8±0,21*	11,8-14,6 13,3±0,06*	13,5-17,2 15,1±0,06

Изоҳ: \*- болаликнинг олдинги даври нисбати бўйича ишончли маълумотлар кўрсатилган ( $P \leq 0,05$ )

Кўриниб турибдики, боланинг ёши ўсиб бориши билан бошнинг баъзи морфометрик кўрсаткичлари амалда болаликнинг турли ёш даврларда бир хил аста-секин ўсиб боради, лекин баъзи кўрсаткичларнинг ўсиш суръати интенсивлиги болаликнинг ёш даврларида бир хил эмас. Шундай қилиб, янги туғилган қиз чақалоқдан 12 ёшгача бўлган соғлом қиз болаларда бошнинг морфометрик кўрсаткичлари болаликнинг иккинчи даврида чақалоқлик даврига нисбатан кўйидагича ўсиш суръатини намоён этган: бош айланаси 1,4 марта (21,9%), калла асосининг бўйлама ўлчами 1,5 марта (14,4%), бошнинг кўндаланг ўлчами 1,7 марта (20,2%), пешонанинг кўндаланг ўлчами 1,8 марта (34,2%), бошнинг вертикал диаметри 2,1 марта (46,4%), калла асосининг бўйлама ўлчами 1,6 марта (18,0%) ва бошнинг кўндаланг ўлчами 2,0 марта (27,4%).

Чақалоқликдан 12 ёшгача бўлган эшитиш қобилияти бўлмаган ўғил болаларда бош ўлчамларининг морфометрик кўрсаткичлари динамикада ёшга оид ўсиб бориши аниқланди. Бош соҳаси антропометрик кўрсаткичларидан олинган натижаларга асосан, болаликнинг иккинчи даврида чақалоқлик даврига нисбатан қўйидагича ўсиш суръати аниқланган: бош айланаси 1,5 марта (22,8%), калла асосининг бўйлама ўлчами 1,4 марта (11,3%), бошнинг кўндаланг ўлчами, пешонанинг кўндаланг ўлчами ва калла асосининг бўйлама ўлчами 1,6 марта (16,7%) бошнинг вертикал диаметри ва бошнинг кўндаланг ўлчами 1,9 марта (22,7%) ўсган (3- расм).




**3-расм. Эшитиш қобилияти бўлмаган ўғил болаларда болаликнинг ёш даврларига кўра бош ўлчамлари морфометрик кўрсаткичларининг ўсиш суръати.**(БА- бош айланаси, ББЎ-бошнинг бўйлама ўлчами, БКЎ- бошнинг кўндаланг ўлчами, , ПКЎ – пешонанинг кўндаланг ўлчами, БВД- бошнинг вертикал диаметри, КАБЎ – калла асосининг бўйлама ўлчами, КАКЎ – калла асосининг кўндаланг ўлчами).

4- расмда эшитиш қобилияти бўлмаган қиз болаларда болаликнинг ёш даврларига кўра бош ўлчамлари морфометрик кўрсаткичларининг ўсиш суръати кўрсатилган.

Боланинг ёши ўсиб бориши билан бошнинг баъзи морфометрик кўрсаткичлари амалда болаликнинг турли ёш даврларда бир хил аста-секин ўсиб боради, лекин баъзи кўрсаткичларнинг ўсиш суръати интенсивлиги болаликнинг ёш даврларида бир хил эмас. Шундай қилиб, янги туғилган чақалоқдан 12 ёшгача бўлган эшитиш қобилияти бўлмаган қиз болаларда бошнинг морфометрик кўрсаткичлари болаликнинг иккинчи даврида чақалоқлик даврига нисбатан қўйидагича ўсиш суръати аниқланган: бош

айланаси ва бошнинг бўйлама ўлчами 1,5 марта (32,4% - 11,5%), бошнинг кўндаланг ўлчами 1,6 марта (22,2%), пешонанинг кўндаланг ўлчами 1,8 марта (25,3%), бошнинг вертикал диаметри ва калла асосининг бўйлама ўлчами 1,7 марта (15,7%- 20,2%) ва бошнинг кўндаланг ўлчами 1,4 марта (14,4%).




**4-расм. Эшитиш қобилияти бўлмаган қиз болаларда болаликнинг ёш даврларига кўра бош ўлчамлари морфометрик кўрсаткичларининг ўсиш суръати.**(БА- бош айланаси, ББЎ-бошнинг бўйлама ўлчами, БКЎ- бошнинг кўндаланг ўлчами, , ПКЎ – пешонанинг кўндаланг ўлчами, БВД- бошнинг вертикал диаметри, КАБЎ – калла асосининг бўйлама ўлчами, КАКЎ – калла асосининг кўндаланг ўлчами).

Диссертациянинг тўртинчи бобида «Соғлом ва эшитиш қобилияти бўлмаган болалар юз ўлчамлари антропометрик кўрсаткичларининг ёш ва жинсга оид солиштирма таҳлили» биз чақалоқликдан 12 ёшгача бўлган эшитиш қобилияти бўлмаган ўғил ва қиз болалар юз соҳасининг морфометрик кўрсаткичларини ушбу ёшдаги соғлом ўғил ва қиз болаларнинг юз соҳаси морфометрик кўрсаткичларидан олинган натижалари билан йилма-йил ёшга оид солиштирма таҳлили олиб борилган.

5- расмда соғлом ва эшитиш қобилиятини бўлмаган ўғил болаларда лаб шиллиқ қисмининг баландлиги ва бурун кенглигининг морфометрик ўлчамлари болаликнинг ёш даврларига нисбатан ўсиш суръати келтирилган.

Олинган натижаларга асосан болаликнинг турли ёшларида соғлом ўғил болалар юз соҳасининг морфометрик кўрсаткичларига нисбатан эшитиш қобилияти бўлмаган ўғил болалар юз соҳасининг морфометрик кўрсаткичларидан олинган натижалар орасида ишончли фарқлар аниқланган ( $P < 0,05$  -  $P < 0,01$ ).




**5–расм. Соғлом ва эшитиш қобилияти бўлмаган ўғил болаларда лаб шиллик қисмининг баландлиги ва бурун кенглигининг морфометрик ўлчамлари болаликнинг ёш даврларига нисбатан ўсиш суръати.** ЛШҚБ – лаб шиллик қаватининг баландлиги, БК- бурун кенглиги, с- соғлом, к- касал.

Эшитиш қобилияти бўлмаган ўғил болаларда болаликнинг I- даврига нисбатан эрта болалик даврида бурун баландлиги 61,1% лик, кўз косасининг латерал кенглиги 26,0% лик, кўз косасининг медиал кенглиги 125,0% лик ва оғиз кенглиги 47,1% лик энг юқори ўсиш кўрсаткичини намоён этган. Чақалоқлик даврига нисбатан боланинг эмизикли даврига келиб бурун кенглиги 100,0% лик ва лаб шиллик қисмининг баландлиги болаликнинг II- даврига келиб болаликнинг I- даврига нисбатан 60,0% лик энг юқори ўсиш кўрсаткичига эга бўлган.

Таъкидлаш жоизки, соғлом ва эшитиш қобилиятини йўқотган ўғил ва қиз болаларда лаб шиллик қисмининг баландлиги ва бурун кенглигининг морфометрик кўрсаткичларидан аналогик натижалар олинган. Соғлом ва касал болаларда юз соҳасининг барча ўлчамлари доимий равишда ёш даврларига мос ўсиб борган. Ушбу солиштира таҳлил болаларда юз соҳасининг морфометрик кўрсаткичлари ёшга оид меъёрда ўсиб бораётганлиги ёки орқада қолганлигини аниқлаш имконини берган (6-расм).

Олинган натижаларга асосан чақалоқлик даврига нисбатан болаликнинг II- даврида эшитиш қобилияти бўлмаган қиз болалар бурун баландлиги 4,3 марта (81,3%), кўз косасининг латерал кенглиги 2,4 марта (27,8%), кўз косасининг медиал кенглиги 12,3 марта (150,0%) ва оғиз кенглиги 4,4 мартага (65,6%) ўсганлиги аниқланган. Ушбу ёшдаги соғлом қиз болаларда бурун баландлиги 1,87 мартага (87,0%) ортади. Энг жадал ўсиш даври 6 ёш (6,7%)

бўлиб, энг паст даври эса 8 ёш (3,5%) ва 11 (3,9%) ёшда кузатилган. Бурун эни эса 1,39 баравар ўсган. Соғлом болаларда бурун энининг энг жадал ўсиш даври 8 ёш (9,5 %), энг паст ўсиш даври 6 ёш (1,0 %) эканлиги ҳисобланган. Соғлом қиз болаларда кўз косаси латерал кенглигининг энг жадал ўсиш даври 6 ёш (2,5%), энг паст даври 10-11 ёш (1,1%) га тўғри келган. Кўз косасининг медиал кенглиги 1,67 баравар (67%), лаб баландлиги 1,75 баравар (75%) га ўсган.



**6–расм. Соғлом ва эшитиш қобилиятини бўлмаган қиз болаларда лаб шиллик қисмининг баландлиги ва бурун кенглигининг морфометрик ўлчамлари болаликнинг ёш даврларига нисбатан ўсиш суръати.** ЛШҚБ – лаб шиллик қаватининг баландлиги, БК- бурун кенглиги, с- соғлом, к- касал.

Олинган натижаларга асосан соғлом ўғил болаларда болаликнинг иккинчи даврида чақалоқлик даврига нисбатан ёноқ ва пастки жағ диаметри 1,4 марта (11,9%), юзнинг морфологик диаметри 4,0 марта (76,1%) ва юзнинг физиономик диаметри 2,1 мартага (43,7%) ўсганлиги аниқланган. Соғлом қиз болаларда болаликнинг иккинчи даврида чақалоқлик даврига нисбатан ёноқ диаметри 2,0 марта (25,5%), пастки жағ диаметри 1,4 марта (14,9%), юзнинг морфологик диаметри 3,1 марта (66,0%) ва юзнинг физиономик диаметри 2,2 мартага (36,7%) ўсганлиги аниқланган.

Эшитиш қобилияти бўлмаган қиз болаларда соғлом қиз болаларга нисбатан юқорида келтирилган кўрсаткичлар чақалоқликдан 12 ёшгача бўлган даврда ҳар бир ёшда ишончли фарқларга эга бўлган ( $P < 0,05$ ). Яъни эшитиш қобилияти бўлмаган қиз болаларда чақалоқлик даврига нисбатан болаликнинг иккинчи даврида ёноқ диаметри 1,9 марта (23,4%), пастки жағ диаметри 1,3 марта (14,1%), юзнинг морфологик 2,9 марта (52,1%) ва физиономик баландлиги 2,1 мартага (31,4%) ўсганлиги аниқланган.

Маълумки, суяк ёши организмнинг биологик етуклигини тавсифлайди. Скелет суякларининг ёшга боғлиқ фарқланишининг асосий кўрсаткичлари оссификациянинг ядроси ва синостознинг шаклланишига қараб баҳоланади. Суяк ёшини аниқлаш ҳам ташхис, ҳам ўсиш жараёнини баҳолаш учун муҳимдир. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, постнатал онтогенезда эшитиш қобилияти бўлмаган болаларда 0 ёшдан 12 ёшгача бўлган болаларнинг 76,9% ида суяк ёши паспорт ёшига тўғри келади. Эрта постнатал онтогенезда 10,7% эшитиш қобилияти бўлмаган қизларда суяк ёши паспорт ёшидан орқалаб қолмоқда ва 21,0% ўғил болаларда ҳам суяк ёши паспорт ёшидан орқада қолаётганлиги аниқланган. Постнатал онтогенезда эшитиш қобилияти бўлмаган болаларда суяк ёши, улар спортчи бўлмаган тенгдошларидан ўртача 1,7-2 йил орқада қолади. Суякланиш жараёни постнатал онтогенезда эшитиш қобилияти бўлмаган болаларда маълум вақтга чўзилади.

Шундай қилиб, суяк ёшини аниқлаш болаларда турли ёшда учраши мумкин бўлган патологияларни, айниқса, эндокрин касалликларни эрта аниқлаш имконини беради. Постнатал онтогенезда эшитиш қобилияти бўлмаган болаларда танасининг ривожланишини ёшга боғлиқ хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўрганиш - скелет - мушак тизимидаги ўзгаришлар билан боғлиқ профилактика чоралари комплексидан фойдаланиш имконини беради.

## ХУЛОСА

1. Соғлом болалар краниофациал соҳа ўлчамларини жинслар ўртасида турлича эканлиги, чақалоқлик ва эмизикли даврда бу ўлчамларнинг қиз болаларда катталиги, эрта болалик даврида бу ўлчамларнинг тенглашиши, болаликнинг I ва II даврида эса краниофациал соҳа асосий ўлчамлари ишончли бўлмаган даражада ўғил болаларда катталиги аниқланди.

2. Эшитиш қобилияти бўлмаган ўғил болаларда бош айланаси, калла асосининг бўйлама ва кўндаланг ўлчамлари болаликнинг II даврида келиб, қиз болалар кўрсаткичларидан ишончли бўлмаган катталиги эшитиш қобилиятининг йўқолиши ўғил болалар краниофациал соҳа ўсиш кўрсаткичларига кўпроқ салбий таъсир этишини исботлайди.

3. Эшитиш қобилияти бўлмаган болалар краниофациал соҳа морфометрик кўрсаткичлари соғлом болалар кўрсаткичларига нисбатан орқада қолиши, ёш катталари билан бу фарқ катталашиб бориши аниқланди. Бош айланаси ўғил болаларда болаликнинг II даврига келиб 7,31% га, қиз болаларда 2,74 % га орқада қолиши, калла асосининг бўйлама ўлчами эса мос равишда 3,31%, 3,97%, калла асосининг кўндаланг ўлчами – 2,74%, 5,44% орқада қолади.

4. Соғлом болаларнинг суяк ёшини эшитиш қобилияти бўлмаган болалар суяк ёши кўрсаткичлари билан солиштириб таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, эшитиш қобилияти бўлмаган болаларда суяк ёши 7 ойдан (4-4,5 ёш) 2,5-3 йилгача (10,5-11 ёш) орқада қолиши аниқланди. Болани эшитиш қобилиятини йўқотиш даври қанча узоқ бўлса, суяк ёшини ортда қолиши ҳам шунча кўп бўлади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/29.02.2024.Tib.93.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ БУХАРСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
МЕДИЦИНСКОМ ИНСТИТУТЕ ИМЕНИ АБУ АЛИ ИБН СИНО**  
**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ  
ИНСТИТУТ ИМЕНИ АБУ АЛИ ИБН СИНО**

**ХАЙТОВА ДИЛДОРА ШАРИПБОВНА**

**ХАРАКТЕРИСТИКА МОРФОМЕТРИЧЕСКИХ ПОКАЗАТЕЛЕЙ  
КРАНИОФАЦИАЛЬНОЙ ОБЛАСТИ У ДЕТЕЙ С ТУГОУХОСТЬЮ В  
ПОСТНАТАЛЬНОМ ОНТОГЕНЕЗЕ**

**14.00.02 – Морфология**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ  
(PhD) ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

**БУХАРА – 2024**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при министерстве Высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за № В2023.3.PhD/Tib2642

Диссертация выполнена в Бухарском государственном медицинском институте

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz)) и Информационно-образовательном портале “ZiyoNet” ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

<b>Научный руководитель:</b>	<b>Хасанова Дилноза Ахроровна</b> доктор медицинских наук
<b>Официальные оппоненты:</b>	<b>Рахматова Мукаддас Холтаевна</b> доктор медицинских наук <b>Ирина Анатольевна Баландина</b> доктор медицинских наук, профессор
<b>Ведущая организация:</b>	<b>Таджикский государственный медицинский университет имени Абуали ибни Сино (Таджикистан)</b>

Защита диссертации состоится «\_\_» \_\_\_\_\_ 2024 г. в \_\_\_\_ часов на заседании Разового научного совета на основании Научного совета DSc.04/29.02.2024.Tib.93.01 присуждению ученых степеней при Бухарском государственном медицинском институте (Адрес: 200118, г.Бухара, ул. Гиждуванская, дом 23. Веб-сайт: [www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz); e-mail: [info@bsmi.uz](mailto:info@bsmi.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Бухарского государственного медицинского института (Адрес: 200118, г.Бухара, ул. Гиждуванская, дом 23. e-mail: [info@bsmi.uz](mailto:info@bsmi.uz)).

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2024 года  
(реестр протокола рассылки № \_\_\_\_ от \_\_\_\_\_ 2024 года).

**Ш.Ж. Тешаев**

Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

**Н.К. Дустова**

Ученый секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук (DSc)

**А.Р. Облокулов**

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации (PhD) доктора философии)**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** По данным Всемирной организации здравоохранения, снижение слуховой способности является одним из основных факторов, которые могут нарушить образ жизни человека. 7,8% населения мира страдает потерей слуховой способности. Из каждых 1000 новорожденных в 1,5% случаев рождаются дети с сенсорным нарушением слуха III-IV степени. По данным министерства здравоохранения, в Узбекистане в 2014 году число детей с тяжелыми нарушениями слуха и глухоты составило 520, а благодаря внедрению современного метода диагностики – аудиоскрининга - этот показатель составил 2000. Согласно статистике Организации Объединенных Наций, более 5% населения мира, или 430 миллионов человек, нуждаются в реабилитации для решения проблем, связанных с потерей слуха (432 миллиона взрослых и 34 миллиона детей). По расчетам, прогнозируется, что к 2050 году более 700 миллионов человек, или каждый десятый, потеряют слух. «...обучение детей с нарушениями слуха является актуальной проблемой не только для педагогики, но и для сурдологии-оториноларингологии, реабилитационной медицины...»<sup>1</sup>

В мире глухие люди часто страдают от глубокой потери слуха, это означает, что они слышат очень плохо или не слышат вообще. Такие люди часто используют язык жестов для общения. В ухе с хорошим слухом потеря слуха превышает 35 децибел (дБ). Почти 80 % этих людей живут в странах с низким и средним уровнем дохода. Человек с потерей слуха, и человек с нормальным слухом - порог слышимости в обоих ушах составляет 20 дБ или ниже – и страдают от потери слуха.

В нашей стране проводится огромная работа по оказанию специализированной медицинской помощи населению, выявлению детей с нарушениями слуха, обеспечению медицинской безопасности для предотвращения возникновения патологических состояний в результате нарушения слуха. В связи с этим в цели 56 части 4 из 7 приоритетов, указанных в стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы, определены задачи «...реализация комплексных мероприятий, программы рассчитанной на 2022-2023 годы направленных на охрану здоровья населения, повышение потенциала медицинских работников, и развитие системы здравоохранения...»<sup>2</sup>. Исходя из этого актуальна разработка новых подходов к сравнительной характеристике краниофациальных антропометрических показателей у детей с нарушениями слуха.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, определенных Указом Президента Республики Узбекистан от 12 ноября 2020 года УП-6110 «О мерах по внедрению принципиально новых механизмов в деятельности учреждений первичной медико-санитарной

---

<sup>1</sup> Бобошко М.Ю., Красильникова О. А., Пинка Е. А., Мотовилова Ю. В. Школьное образование детей с нарушениями слуха // Российская оториноларингология - 2022;21;5 (120) – С. 127-136

<sup>2</sup> Указ Президента Республики Узбекистан УП-60 от 28 января 2022 года «О стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы».

помощи и дальнейшему повышению эффективности проводимых в системе здравоохранения реформ», от 28 января 2022 года УП-60 «О стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы», в постановлениях ПП-4887 от 10 ноября 2020 года «О дополнительных мерах по обеспечению здорового питания населения», ПП-4891 от 12 ноября 2020 года «О дополнительных мерах по обеспечению общественного здоровья путем дальнейшего повышения эффективности работ по медицинской профилактике», а также других нормативно-правовых документов, принятых в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий в республике.** Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VI «Медицина и фармакология».

#### **Степень изученности проблемы.**

Основываясь на данных, полученных из научных источников, более чем в 80% случаев у детей, страдающих глухотой или потерей слуха, заболевание впервые диагностируется в возрасте до одного года. У половины из них заболевание является врожденным или наследственным, то есть возникает в результате беременности, патологии родов или передается генетически (Бобошко М.Ю. и соавт., 2022). Потеря слуха распространена среди пожилых людей, и более 25% людей старше 60 лет страдают от этой проблемы (Yaiza Taboada-Iglesias et al., 2017).

Термин «потеря слуховой способности» применяется к людям с потерей слуха от легкой до тяжелой степени. Как правило, слабослышащие люди общаются с помощью устной речи и могут использовать слуховые аппараты, кохлеарные импланты и другие вспомогательные устройства, а также субтитры для улучшения слуха (Кирилова И.А., 2017).

У детей различают несколько видов потери слуха: глухонемой ребенок; ребенок со снижением слуха; приобретенная глухота (Барияк В.В. и соавт., 2015). У глухонемого ребенка стойкое двустороннее нарушение слуха появляется еще до формирования речи. Он не понимает устную речь и склонен общаться посредством мимики, жестов и манипуляции объектов (Владимирова О.Н. и соавт., 2017).

Дети с приобретенной глухотой в течение жизни теряют слух из-за определенных заболеваний или после приема ототоксических препаратов. Даже если потеря слуха происходит после речевого формирования, отсутствие реабилитационных мероприятий в дошкольном возрасте приводит к снижению интеллектуальной речи. Со временем словарный запас таких детей уменьшается, и их произношение становится неправильным. При снижении или потере слуха в более позднем возрасте прогноз более благоприятный, но произношение в той или иной степени страдает: нарушается артикуляция и интонация (произношение), возникают ошибки в произношении, ослабляется речь (Дерябина Г.И. и соавт., 2019).

